

Термиз туманининг илғор фермери ғалла режасини биринчилардан бўлиб бажарди



Сурхондарёда ғалла ўрим-ийғим мавсумига старт берилганига кўп бўлмади. Хусусан, Термиз туманида ҳам куни-кеча фермер хўжаликлари далаларида ғалла ўрим-ийғими жараёнлари бошланди. Мавсумнинг илк кунларидан тумандаги “Исломжон Дўстлик” фермер хўжалиги томонидан 2023 йил ҳосили учун уруғ сочилган ғалла майдонининг ҳар бир гектаридан 78 центнер ҳосилдорликка эришилиб, белгиланган режа бажарилди.

Маълумот учун туманда 2 минг 900 гектар майдондаги ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш учун 10 та ўрим-ийғим отряди ташкил этилган ва 23 та замонавий комбайнлар жалб қилинган. Ризқ-рўзимиз бўлган ғалла ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.